

Ҳаё иймондандир, иймон жаннатдадир | Тазкия дарслари (331-дарс)

ТАЗКИЯ
331-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур»,
«Рухий тарбия» 1-2-3-жузи
ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи
китоблари асосида бериб борилади.
Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун
китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.



19:00 / 07.06.2025 1638

???? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ????

????????????? ???????? ??????? ?????????????? ?????????????? ???????:

«????????????????? ?????? ??????? ??????? ??????????????????»?

??????: ??????????: ??? ?????????? ?????????? ??????????

????????????????? ?????????????????? ?????????????? ???????: «?????????

????????? ?????????????? ?????????????????????????????? ?????? ???????

?????? ?????????????????? ?????? ?????????????? ?????????????????? ???????

?????? ?????????????? ?????? ??????? ??????????????
????????????? ?????????????? ??????? ?????????? ??????????????
????????? ?????????? ?????????????????? ?????????? ?????????? ??????????
????????? ?????????????????? ?????? ??????? ??????? ??????????????????». .
????????? ?????????????????????? ?????????????????? ??????????????????.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилинглар», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, алҳамдулиллаҳ, албатта, биз ҳаё қиламиз», дедик.

«Ундай эмас. Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилиш бошни ва у ўз ичига олган нарсаларни, қоринни ва у ўз ичига олган нарсаларни сақламоғингдир. Ўлимни ва чиришни эсламоғингдир. Ким охиратни хоҳласа, дунё зийнاتини тарк қилур. Ким ўшаларни қилса, Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилган бўлур», дедилар у зот».

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган.

Бу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақиқий ҳаё одамлар ўйлаб юрадиган баъзи бир ишларни қилишдан уялиш эмаслигини, балки улкан бир маънони ўз ичига олишини баён қилмоқдалар.

«Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилиш бошни ва у ўз ичига олган нарсаларни, қоринни ва у ўз ичига олган нарсаларни сақламоғингдир»

Бош ўз ичига олган нарсалар кўз, қулоқ, бурун, оғиз ва тил эканини билиб қўймоқ лозим. Ушбу нарсаларни ёмонликдан сақлаш ила Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилишнинг баъзи шартлари юзага келар экан.

Қорин ўз ичига олган нарсалар жумласидан озуқалар ва фарж бордир. Демак, озуқанинг ҳалол бўлиши ва фаржни гуноҳдан сақлаш ила Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё қилишнинг баъзи шартлари юзага келар экан.

«Ўлимни ва чиришни эсламоғингдир».

Ўлимини эсламаган кимса ҳеч нарсадан ҳаё қилмайди. Қабрда чиришини эсламаган одам ҳеч нарсадан ҳаё қилмайди.

«Ким охиратни хоҳласа, дунё зийнاتини тарк қилур».

Албатта, бу ерда Аллоҳ таоло ҳалол қилган зийнатларни эмас, У Зот ҳаром қилган зийнатларни тарк қилиш ҳақида сўз кетмоқда. Зеро, Аллоҳ таолонинг Ўзи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб:

الرِّزْقِ مِنَ الطَّيِّبَاتِ لِعِبَادِهِ، أَخْرَجَ الَّتِي اللَّهُ زِينَةً حَرَّمَ مَنْ قُلْ

«Сен: «Аллоҳ Ўз бандалари учун чиқарган зийнатларни ва покиза ризқларни ким ҳаром қилди?!» деб айт», деган (Аъроф сураси, 32-оят).

Ушбу оят эгниларига кийим киймай тавоф қилишни, ҳаж мавсумида яхши таом истеъмол этмасликни ўзларига русум қилиб олиб, «Бу Аллоҳнинг амри», деб юрган араб мушрикларининг қилмишлари нотўғри эканини билдириш учун нозил бўлган ва бу орқали ҳаммага хитоб қилинган.

Модомики, Аллоҳ таоло ўша кийимларни бандаларга ҳалол қилиб қўйибдими, демак, ҳеч ким уни ҳаром қила олмайди. Шунингдек, Аллоҳ покиза таомларни бандаларига ризқ қилиб бериб қўйибдими, уларни ҳам ҳеч ким ҳаром қила олмайди. Зийнат кийимлари ва покиза таомлар иймонлилар учун бўлмай, ким учун бўлсин! Бу ризқу рўзга моддий дунёда бошқалар ҳам шерик бўлишлари мумкин, аммо охиратда, ушбу ояти каримада таъкидланганидек, зийнат либослари ва покиза ризқлар фақат мўминларга хос бўлади.

Аллоҳ таоло Ўз Зотига иймон келтирган бандаларига ҳеч қачон хушрўй кийим-бошларни ва покиза таомларни ҳаром қилмайди.

Ҳадиси шарифнинг сўнгида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ўшаларни қилса, Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилган бўлур», дедилар».

Ким бу ҳадиси шарифда айтиб ўтилган ишларни мукаммал қилган бўлса, Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё қилган бўлур. Ҳа, ҳар бир мўмин-мусулмон Аллоҳ таолодан ҳақиқий ҳаё қилиши зарур.

???? ???
??
«??
??
??».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳаё иймондандир, иймон жаннатдадир. Ҳаёсизлик жафодир, жафо дўзахдадир», дедилар».

Ҳаёга бундан кўра улуғ васф бўлмаса керак. Карамли ахлоқлар дини бўлган Ислом ҳаёни иймон даражасига кўтарган. Карамли ахлоқлар дини бўлган Ислом ҳаёни жаннатга киритадиган нарса даражасига кўтарган. Исломда ҳаёли бўлиш шунчалар юқорига кўтарилган. Бас, мусулмонлар ҳаёли бўлсинлар.

???? ?????? ?????????? ?????? ?????? ?????????? ?????
????????????? ??????? ?????? ?????????? ?????????????? ??????:
«????????????? ?????????????? ?????????????? ?????
????????????????? ?????????????????? ??????????????????
????????????????? ?????? ??????????????????» . ??????????????
????????????????????.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳаё ва камгаплик иймоннинг икки шўъбасидир. Ҳаёсизлик ва маҳмадоналик нифоқнинг икки шўъбасидир», дедилар».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

Аллоҳ таоло ҳаёни иймонга боғлаб қўйгани бежиз эмас. Ҳаётда ҳам бу боғланиш очиқ-ойдин сезилиб туради. Кишининг иймон даражасини унинг ҳаёсидан билиб олиш мумкин. Аксинча, мунофиқлик даражасини ҳаёсизлик ўлчови ила ўлчаса бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизни ҳаёли бандаларидан қилсин! Омин!

???? ?????????? ?????? ?????????? ?????????????????????? ??????
?????? ?????????? ?????????? ?????? ?????????????????? ????????

????? ?????????? ??????????: ?????????? ??????:

«????????? ?????? ?????????????????? ?????? ?????? ?????????????

?????? ?????????????????? ?????? ?????????????????? ?????????????????? ??????

?????????????» . ?????????? ?????????????????????????? .

Саъид ибн Язид Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У киши:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менга тавсия қилинг», деди.

«Сенга Аллоҳ таолодан ўз қавминининг аҳли солиҳларидан бир кишидан қандай ҳаё қилсанг, шундай ҳаё қилишингни тавсия қиламан», дедилар».

Табароний ривоят қилган.

????? ?????????????? ??????? ??????? ??????????? ??????

????????????????? ?????????? ?????????? ?????????????? ?????????????????? ??????????:

«????????? ?????????????????? ?????????????? ?????????????????? ??????????????????

????? ?????????????????? ?????????? ?????????????? ?????????????????? ?????????????????? ??????

????????????????????? ??????????????» .

Салмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Роббингиз ҳаёли ва карамлидир. Бандаси Унга икки қўлини кўтарса, У Зот уларни бўш қайтаришдан ҳаё қилади», дедилар».

???? ??????? ??????? ??????????? ?????? ?????? ?????????

????? ??? ????????? ?????? ??????? ?????? ?????????

?????????????: «????? ?????? ?????????????? ??????????????

?????? ?????? ??????????»? ??????: ??? ??????? ??????:

«???????????? ??????????????»? ??????: ???????????

?????? ?????? ?????? ????????????? ??????: «?????

?????????»? ??????: ?????????? ?????????? ?????????

???????????? ?????? ?????????????? ??????????????..

????????? ?????? ?????????? ??????????????????

?????????????????????..

Ашажжи Абдул Қайс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«Сенда Аллоҳ азза ва жалла яхши кўрадиган икки хислат бор», дедилар.

«Ҳалимлик ва ҳаё», дедилар.

«Менда қадимдан борми ёки кейин пайдо бўлганми?» дедим.

«Қадимдан», дедилар.

«Мени Ўзи яхши кўрадиган икки хислат билан яратган Аллоҳга ҳамд бўлсин!» дедим».

Абу Довуд, Байҳақий ва Табароний ривоят қилишган.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.